

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил 2 ноябрь куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья Ф.Тураходжаев, судлов ҳайъати судьялари: О.Қличев ва О.Мухаммадиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Матёқубовнинг котиблигида, тарафлардан: Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, судланувчи М.А.А. ва унинг ҳимоячиси – адвокат А.Хайдаров, судланувчи Ш.С.Ш. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Қаландарова, А.И.Р. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Файзиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 23.08.2023 йилдаги ҳукмига кўра,

М.А.А., 17.01.1997 йилда Наманган вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, шифокор, бўйдоқ, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.03.2021 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 22.06.2022 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57,62-моддалари тартибида иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазо ўталмаган, Наманган вилояти, Чуст тумани, [REDACTED]-уйда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 16.12.2022 йилдан қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари ва 267-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилган;

Ш.С.Ш., 18.06.1997 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 24.05.2022 йилдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 17.02.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан



ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 17.08.2022 йилдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 3 ой 22 кунни ташкил қилади; Тошкент вилояти, Паркент тумани, [REDACTED] -уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 16.12.2022 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари ва 267-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилган;

А.И.Р., 07.04.1995 йилда Наманган вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти, Косонсой тумани, [REDACTED] -уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 16.12.2022 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари ва 267-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилганларга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи М.А.А. ва унинг адвокати А.Хайдаров, судланувчи Ш.С.Ш. ва А.И.Р.лар томонидан берилган апелляция шикоятларига асосан 1-1004-2307/456-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, М.А.А., айбловнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, такроран ва хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаганлик ҳолати бўйича жиноят таркиби бўлмагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари билан айбсиз деб топилиб, реабилитация қилинган ва ишнинг шу қисми ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

М.А.А.га ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 15 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг



60, 61-моддалари тартибида узил-кесил 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ш.С.Ш., айбловнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, такроран ва хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаганлик ҳолати бўйича жиноят таркиби бўлмагани сабабли ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари билан айбсиз деб топилиб, реабилитация қилинган ва ишнинг шу қисми ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Ш.С.Ш.га ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 15 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида узил-кесил 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

А.И.Р., айбловнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, такроран ва хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаганлик ҳолати бўйича жиноят таркиби бўлмагани сабабли ЖК 137-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари билан айбсиз деб топилиб, реабилитация қилинган ва ишнинг шу қисми ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

А.И.Р.га ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 15 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.А.А., Ш.С.Ш., А.И.Р. ва жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан, зўрлик ишлатиб, 2022 йил 13 декабрь куни соат 18:30да, Юнусобод тумани “Катта Хасанбой” МФЙ ҳудудида жойлашган кўприк устида бўла туриб, шу ердан яшаш хонадонига қайтаётган 1987 йилда туғилган Дж.А.Х.нинг бошқарувидаги “Cobalt” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини Ш.С.Ш. такси сифатида тўхтатиб, автомашина тўхташи билан ҳайдовчининг рухсатсиз жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ва А.И.Р. автомашинага ўтириб олишиб, йўлда тушиб қолишни айтишиб, автомашина ҳаракатлангандан сўнг жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс кўлида бўлган пичоқ билан Дж.А.Х.нинг бўйнига тираб, автомашинани йўлнинг четига тўхтатишга эришиб, унга зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш мақсадида Ш.С.Ш. ва А.И.Р.лар Дж.А.Х.га қоп кийгаздиришиб, унинг қўл ва оёқларини арқон билан боғлашиб, жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ва А.И.Р.лар Дж.А.Х.ни автомашина орқа ўриндиғига тортиб олишган, сўнг жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига



ажратилган шахс автомашинани қисқа масофа бошқариб келганидан сўнг М.А.А. келиб, автомашинани бошқариб, маълум вақт ўтганидан сўнг автомашинани панароқ жойга тўхтатиб, Дж.А.Х.га жисмоний азоб бериб, узоқ вақт совуқ ҳавода ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли шароитда сақлаган ҳолда уни автомашина юкхонасига қамаб қўйишган.

Сўнг 4-5 соат давомида Дж.А.Х.нинг транспорт воситасида бемақсад шаҳар айланишиб, М.А.А., А.И.Р., Ш.С.Ш. ва жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, Дж.А.Х. автомашинанинг юкхонасида оёқ қўли боғланган ҳолатда бўлганида автомашинада бўлган баҳоси 250.000 сўмлик иситкич мосламасини, тахминан 760.000 сўмлик кийим-кечаклари ва сумкани, 50.000 сўм бўлган 2 дона сим карта ва 50.000 сўм бўлган бир дона флешкани қўлга киритишиб, автомашинани бошқариб кетиб, шу куни соат 22:00да Янгиҳаёт тумани “ТХАЙ-Бинокор” автомобиль йўлининг кўприк ён томонига келиб, кўприк пастки қисмида Дж.А.Х.ни юкхонадан автомашина ҳайдовчи ўриндиғига бошидаги қопни олмаган ҳолатда ўтказишиб, унинг оёқ ва қўлидаги арқонни бўшатишиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинганлар.

Судланувчи М.А.А. ва унинг ҳимоячиси — адвокат А.Хайдаров апелляция шикоятларида, М.А.А.нинг айбсизлигига оид важлар келтиришиб, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Судланувчи Ш.С.Ш. апелляция шикоятида, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи А.И.Р. апелляция шикоятида, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама кўргани, ишдаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинмагани ҳақида важлар келтириб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, прокурор С.Акиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи М.А.А. ва унинг ҳимоячиси — адвокат А.Хайдаровнинг шикоят важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, судланувчи Ш.С.Ш. ва унинг ҳимоячиси — адвокат Ш.Қаландарованинг шикоят важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, судланувчи А.И.Р. ва унинг ҳимоячиси — адвокат Б.Файзиевнинг шикоят важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукмни ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини эса қаноатлантирилмасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанциясида сўралган судланувчи М.А.А., Э.Қодировни олдиндан танигани, Ш.С.Ш. билан А.И.Р.ни воқеа куни биринчи марта кўргани, талабалик даврида Э.Қодиров билан ижарада бирга яшашгани,



Э.Қодировни ундан 7.000 АҚШ долларидан ошиқроқ қарзи бўлгани, Э.Қодиров уни квартирасига чақириб, кўришиб гаплашиб олишни, қарзини қачон қанчасини бера олиши ҳақида гаплашиб олишларини айтгани, шундан сўнг, Э.Қодировнинг квартирасига боргани, тушлик қилиб ўтиришгани, С.Анваров ишга кетиши керак бўлгани, ўзининг ишхонаси Сирғали тумани ҳудудида бўлиб, шу куни кечки пайт навбатчиликда қолиши керак бўлгани, С.Анваров йўл-йўлакай ташлаб қўйишини айтганлиги учун у ҳам С.Анваров билан кетишаётганларида, манзилига етиб бормасидан Э.Қодиров унга кўнғироқ қилиб, унга танишининг машинаси борлигини айтиб, уни машинани кўришга ва машина унга ёкса ўртадаги фарқни келишиб олишга чақиргани, шундан сўнг С.Анваров уни Э.Қодиров чақирган жойга, яъни Тошкент халқа автомобиль йўлининг Охунбобоевдан Келесга ўтиб кетадиган йўл ўтказгичдан ўтгандан кейинги жойга ташлаб қўйгани, Э.Қодиров уни чақирган жойга боранида, Э.Қодировга кеч бўлиб қолганлиги, машинага тушунмаслиги ҳақида айтгани, Э.Қодиров унга “эртага устага кўрсатиб, кейин келишиб олаверамиз, ҳозирча ишхонангача ҳайдаб бориб, қанақа машина эканлигини ҳайдаб кўриб бил” дегани, борганида, машина йўлнинг чеккасида тўхтаб тургани, Э.Қодиров машинани олдида уни кутиб олгани, машинани ичида, орқа ўриндикда Ш.С.Ш. билан А.И.Р.лар бўлгани, жабрланувчини кўрмагани, машинани чамаси ярим соат, бир соат давомида бошқариб, Э.Қодиров “ишхонангача ҳайдаб бор” деганлиги учун ишхонасигача бошқариб бориб, ишхонасини олдида тушиб қолгани, машинани ҳужжатларини кўрмагани, эртаси куни навбатчиликдан чиққанида Э.Қодиров билан телефон орқали машинани олди-бердисини қачон қилиб олишлари ҳақида гаплашгани, Э.Қодиров ўзи унга қайтиб кўнғироқ қилишини айтиб, бошқа алоқага чиқмагани, шундан сўнг Б.Турсунов унга кўнғироқ қилиб, Э.Қодировни ва кеча нима бўлганлиги, ишқал бўлган шекилли деб сўрагани ҳақида кўрсатувлар берди.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган ҳулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу ҳулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланувчи М.А.А., Ш.С.Ш. ва А.И.Р.ларнинг жиноят содир этишдаги айби, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жабрланувчи Дж.А.Х.нинг аризаси, ИИО ходими А.Хидоятловнинг билдиргиси, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, дактолоскопик, суд-тиббий экспертизаси ҳулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Апелляция шикоятларида, М.А.А.нинг айбсизлигига, унинг бошқа шахслар томонидан содир этилган жиноятга алоқадорлиги исботланмагани, унинг “Cobalt” русумли транспорт воситасига келиб ўтирган вақтидан тушиб кетгунига қадар содир этилган жиноятлардан беҳабарлигига оид важлари қуйидаги иш ҳолатлари билан рад этилади, жумладан:



-М.А.А. 16.12.2022 йилда ёзган ўз тушунтириш хатида, 2022 йил 13 декабрь куни танишлари Э.Қодиров, Ш.С.Ш. ва А.И.Р.лар билан бирга Миробод тумани Фарғона йўли 1-тор кўчаси, 33-уйда бўлган вақтлари Э.Қодиров уларга бир боладан пулини олиш учун бирга бориб келишни айтиб, машинани ҳайдаб юриш учун у ҳам боришини айтгани, соат 17:00ларда Э.Қодиров уйга такси чақиргани, у, Э.Қодиров, Ш.С.Ш. ва А.И.Р. кўчага чиққанларида “Кобальт” русумли автомашинада С.Анваров ўтирган экани, машинага ўтириб улар Юнусобод тумани Уч қаҳрамон маскани орқали “Ҳасанбой” даҳасига келишгани, у ерда кўприк ёнида Э.Қодиров, А.И.Р., Ш.С.Ш.лар тушиб қолишгани, у ва С.Анваров тахминан 1 км. узоқликда кутиб туришгани, ярим соатдан кейин Э.Қодиров унга кўнғироқ қилиб, уларни Келес кўприги олдига чақиргани, у ерга борганида “Кобальт” русумли автомашина бўлгани, автомашина ичида ҳайдовчининг қўли боғлангани, бошида қоп кийдирилган бўлгани, ҳайдовчини машина юкхонасига Э.Қодиров ва А.И.Р.лар солишгани, у ҳайдовчини ўриндиғига ўтиргани, ёнида Э.Қодиров, орқа ўриндикда А.И.Р. ва Ш.С.Ш.лар ўтиргани, уни ва Э.Қодировнинг қўлида кўлқоп бўлгани, сўнг Э.Қодировнинг гапи бўйича автомашинани Охунбобоев тарафга, Арча кўчага, “Беруний” метро бекати томондан Тошкент халқа йўлига чиқиб, Сирғали ва Янгиҳаёт тумани томонга юришгани, сўнг Янгиҳаёт туманида халқа йўли бўйлаб кўприк олдида уларни қолдириб, ишга қайтиб кетгани, соат 22:00 бўлгани, эртаси куни унга Э.Қодиров кўнғироқ қилиб, А.И.Р.ни водийда ушлашганини айтгани, сўнг Э.Қодиров ўзидаги телефон апаратыни унга берганини маълум қилган;

-16.12.2022 йилдаги А.И.Р. гумонланувчи тариқасида сўроқ қилинганда, Э.Қодиров томонидан бегона шахснинг автомашинасини олиб қочиш режаси тузилгани, яъни унинг сумкасига сариқ рангли ёғоч дастали пичоқ, арқон, кулрангдаги скоч, қоп, изни йўқотиш мақсадида нам салфетка ва бир жуфтдан кўлқопларни олишиб, автомашина тўхтаганидан сўнг Э.Қодиров ҳайдовчи томон орқа ўриндикқа ўтириб, ҳайдовчининг бўйнига пичоқ тираш, унинг вазифасига эса ҳайдовчи қаршилиқ кўрсатса қаршилигини сўндириш, Ш.С.Ш.га эса машинани тўхтатиб, ҳайдовчини чалғитиш ва унинг қўл-оёқларини боғлаб, бошига қоп кийгизиш, М.А.А.га эса бошқаларни ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмагани сабабли унга автомашинани бошқариш вазифаси юклатилгани, Э.Қодиров уларга из қолдирмаслик мақсадида матоли кўлқоп ҳам бергани ҳақидаги кўрсатуви;

- 16.12.2022 йилдаги Ш.С.Ш. гумонланувчи тариқасида сўроқ қилинганда, воқеа куни Дж.А.Х. бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашина эгалланганидан сўнг Э.Қодиров ҳайдовчи ўриндиғига ўтиб, Дж.А.Х.нинг телефонидан “телеграм” иловаси орқали М.А.А.га кўнғироқ қилиб, воқеа жойига етиб келишни айтиб, локация манзилени ташлаб бергани, сўнг Э.Қодиров машинани озроқ ҳайдаб четроққа тўхтагани, кейин локация бўйича М.А.А. етиб келиб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтиргани, автомашина орқа ўриндиғида бўлган у ва А.И.Р. ўртасида қоп кийгизилган ҳайдовчини М.А.А. кўриб, ҳеч нима гапирмасдан машинани панароқ жойга бошқариб бориб, машина салон қисмида ўтирган Дж.А.Х.ни бошига қоп



кийгизилган, оёқ қўли боғланган ҳолатда машина юкхонасига солишгани, кейин М.А.А. машинани бошқаришни давом эттиришиб, сўнг яна четроққа тўхташиб, салон ички қисми кўринмаслик мақсадида М.А.А. ва Э.Қодировлар олд ойналарга скоч ёрдамида қора пленка (тонировка) ёпиштиришгани, яна машинани М.А.А. бошқариб, сўнг соат 22:00да ишга бориши кераклигини айтиб, уларни “ТХАЙ-Бинокор” кўчасидаги кўприкнинг ён томонига олиб келгани, бу ерда М.А.А. такси тўхтатиб кетиб юборгани ҳақидаги кўрсатуви;

-17.12.2022 йилдаги М.А.А. ва А.И.Р. ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомасида, А.И.Р. кўрсатувида М.А.А.ни автомашинада қўл оёқлари боғланган ва бошига қоп кийгазилган ҳайдовчининг борлигини билгани, чунки улар учаласи ҳайдовчини орқа салонга олиб ушлаб ўтирган вақтида М.А.А. машинага келиб ўтиргани ва ҳайдовчининг борлигини кўргани, машинанинг салон қисмидан ҳайдовчи юкхонага солинаётган вақтда М.А.А. рулда ўтиргани ва у ҳайдовчининг юкхонага солинганлигини кўргани, М.А.А. келиб машинага ўтириб ҳайдаганидан кейин тахминан 10-15 км.дан сўнг машинани тўхтатиб Дж.А.Х. юкхонага солингани қайд этилган;

-гувоҳ Б.Турсунов биринчи инстанция суд мажлисидаги кўрсатувларида, Э.Қодиров билан танишлиги, унинг ижарадаги уйида Миробод тумани, Фарғона йўли 1-тор кўчаси, 33-уйида бирга тургани, Э.Қодировнинг танишлари яъни Ш.С.Ш., А.И.Р., М.А.А.лар келиб туришини, Э.Қодиров унга кеча такси тўхтатишиб, таксичини қўл оёғини боғлаб, уни юкхонага солиб машинасини олишгани, машинада бир объектга боришгани, лекин А.И.Р. билан Ш.С.Ш.нинг духи етмагани учун киришмагани, маҳаллада айланиб юришгани, кейин иш ўхшамагани учун қайтишгани, такси ҳайдовчисини машинасида далага олиб бориб, уни қўл оёқларини ечиб ташлаб қўйиб юбориб қайтиб кетишганини айтгани, ўзи ўқишга кетгани, кейин ўқишдан соат 23:00ларда қайтиб келиб ухлаётганида, Э.Қодиров унга кўнғироқ қилгани, М.А.А.га туша олмаётганлигини айтиб, унга кўнғироқ қилишини айтгани, уйқу аралаш нега кўнғироқ қилиш кераклигини сўрамасдан М.А.А.га кўнғироқ қилгани, М.А.А. биринчи чақирувга жавоб бермаганидан кейин унга яна такроран кўнғироқ қилгани, сўнг телефонининг куввати 1% қолгани учун ўчиб қолгани, эртаси куни соат 12:00да телефонини ёққанида унга М.А.А. бошқа телефон рақамидан кўнғироқ қилиб, унинг қаерда эканлигини сўрагани, унга ишда эканлигини айтгани, сўнг у Э.Қодировнинг қаерда эканлигини, ҳаммаси тинчми, кимдир уни суриштириб келдими деб сўрагани, сўнг унга ҳеч нарса бўлмаганлигини айтганида, М.А.А. телефонини қўйиб қўйгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ С.Анваров биринчи инстанция суд мажлисидаги кўрсатувларида, Э.Қодиров унга “телеграм”дан ташлаган манзил бўйича Миробод тумани, Фарғона йўли 1-тор кўчаси, 33-уйга келгани, келган вақтида унинг уйида олдиндан Э.Қодиров орқали танишган Мамаджонов Акмал ҳам бўлгани, тушликдан сўнг Э.Қодиров унга бир жойга бориши кераклигини айтиб, уни ташлаб қўйишини илтимос қилгани, унга розилик билдиргани, улар уйдан тахминан 18:00ларда уйдан унинг автомашинасида М.А.А., Э.Қодиров, А.И.Р. ва Ш.С.Ш.лар билан машинага ўтиргани, кейин



Э.Қодиров унга бориши керак бўлган жойни ўзи кўрсатиб келгани, Э.Қодиров катта йўлнинг ёқасини кўрсатиб шу ерда тушиб қолишини айтгани, машинада бўлган М.А.А. тушмаслигини қаерга кетаётганлигини сўраганида унга Наманган вилояти Чуст туманига қайтиб кетишини айтгани, у йўл йўлакай тушиб қолишини айтгани, автомашинани тўхтатган вақтида Э.Қодиров билан икки нафар шериклари тушиб қолишгани, йўналиши билан ҳаракатланиб кетаётганида тахминан 15 дақиқалар ўтганидан кейин, Э.Қодиров унинг 91-186-38-63 рақамига очилган телеграм орқали қўнғироқ қилиб, М.А.А.ни қайтиб келиб ташлаб кетишини сўраб илтимос қилгани ва унга “телеграм” орқали локация манзилени ташлаб бергани, сўнг М.А.А.ни яна қайтиб бориб ташлаб кетилган жойдан тахминан 2-3 км.дан кейин кўприқдан ўтилган жойга ташлаб, ўзи қайтиб кетгани, олиб борган вақтида Э.Қодировнинг оқ рангдаги “Cobalt” машинанинг олдида турганини кўргани, соат 22:00ларда Э.Қодиров “телеграм”дан қўнғироқ қилиб, уларни олиб кетишини ва уйига ташлаб қўйишни илтимос қилгани, сўнг унинг ташлаган локация манзили бўйича яшаш пунктдан четроқда бўлган катта йўлнинг ёқасидаги жойга 30 дақиқалар давомида боргани, борганида Э.Қодиров катта йўлнинг ёқасида ўзининг икки нафар шериклари, яъни А.И.Р. ва Ш.С.Ш.лар билан турган бўлгани, Э.Қодировдан М.А.А.нинг қаердалигини сўраганида уни ишга кетганлигини айтишгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

-шунингдек, дастлабки суриштирув даврида судланувчиларнинг кўрсатмалари ёзилган DVD диск, гувоҳларнинг биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари билан ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўла инкор этилади.

Бундан ташқари, апелляция инстанциясида сўралган жабрланувчи Дж.А.Х. ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларда М.А.А.нинг иштирок этмаганлигига оид кўрсатувлар берсада, унинг дастлабки терговдаги тушунтириш ва кўрсатувларида ўзининг орқа ўриндиққа олиб қўйилгани, ушбу вақтда бошқа шахс ҳам машинага келиб ўтиргани ва унинг кейинчалик машина юкхонасига олиб ўтказишганига оид кўрсатувлари мавжуд.

Ушбу ҳолатда, апелляция инстанцияси жабрланувчи Дж.А.Х.нинг кўрсатувларини судланувчи М.А.А.ни муқаррар жавобгарлигини енгиллаштириш мақсадида келтирилган ва ишончга сазовор эмас деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди судланувчи М.А.А., Ш.С.Ш. ва А.И.Р.ларнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 164-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари ва 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи М.А.А.га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноят ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилганини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, ЖКнинг 7, 8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг



2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, жиноят содир этишдаги ролини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи Ш.С.Ш.га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқрорлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноят ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилганини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, ЖКнинг 7, 8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, жиноят содир этишдаги ролини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи А.И.Р.га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқрорлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноят ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, ЖК 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, жиноят содир этишдаги ролини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497^{26,31}-моддаларига амал қилиб, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 23.08.2023 йилдаги **М.А.А., Ш.С.Ш.** ва **А.И.Р.**га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ф.Тураходжаев



Судлов ҳайъати судьялари: (имзо) **О.Қличев**

(имзо) **О.Мухаммадиев**

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____ О.Мухаммадиев

